




ЎЗДП ФРАКЦИЯСИ
КАМБАҒАЛЛИК МАСАЛАСИДАГИ ПАРЛАМЕНТ
СЎРОВИГА ТЎЛДИРИЛГАН ЖАВОБИ МАЪКУЛЛАДИ



ЯНГИЛАНАЁТГАН
НАМАНГАН ҚИЁФАСИ
КЎЗНИ ҚАМАШТИРАДИ



ЎЗИНИ ЎЗИ ИШ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ ВА
ФРИЛАНСИНГ
ХИЗМАТИ



КЎПРИК ҚУРГАН
ЭЛДА АЗИЗ



№ 32
2020-йил, 16-сентябр
Chorshanba (32.627)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI



Сеvara Убайдуллаева,
коронавирусга қарши штаб аъзоси:

КОРОНАВИРУСНИНГ ЕНГИЛ ДАРАЖАСИДА
организм касаллики дори воситаларисиз енгиши мумкин
— Аниқ маълумотларга кўра, коронавирусга чалинганлар
билан алоқада бўлганларнинг 80 фоизда касаллик
симптомларисиз, яъни енгил даражада ўтади. Мазкур
беморларда иммун тизими яхши ривожланган бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 сентябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Алексей Оверчукни қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус инфекциясининг глобал миқёсда тарқалиши билан боғлиқ замонавий хавф-хатарларга қарамай мамлакатларимиз ўртасидаги фаол мулоқот давом этаётгани ва кўп қиррали Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги суръати сақлаб қолинаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ортаёгани кузатишда, иқтисодий турли тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга ошириляпти, қўшма корхоналар сони кўпайди.

Ўзбекистон Президенти коронавирус пандемиясига қарши курашишда яқин ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлади.

Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари Алексей Оверчук учрашув ўтказиш имконияти учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумати Раиси Михаил Мишустиннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Иқтисодий кооперация бўйича узоқ муддатли дастур тайёрлаш, қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш, мамлакатларимиз худудлари ўртасидаги амалий алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон-Россия стратегик шериклик муносабатлари кун тартибидан янги мазмун билан бойитиш мақсадида ҳамкорликдаги устувор дастур ва лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги ва МДҲ доирасидаги яқин мулоқотларни давом эттириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

Халқ таълими вазирлигидан хабар қилинишича, 7 сентябрь куни очилган 329 та мактаб билан қўшиб ҳисоблаганда, 14 сентябрдан эътиборан фаолияти йўлга қўйилган мактаблар сони 2635 тани ташкил этади.

Маълумот учун: Ўзбекистондаги умумтаълим мактаблари сони 10 мингга яқин. Ўқувчилар 6,2 миллион нафар, ўқитувчилар эса 486 мингдан зиёд.



МАКТАБЛАРДА ЯНГИ 2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИ РАСМАН 14 СЕНТЯБРЬ КУНИДАН БОШЛАНДИ



УЧТА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ИШ БОШЛАДИ

Андижон вилояти Марҳамат туманининг "Янги ҳаёт", "Шўрқақир" ва Ғафур Ғуллом маҳалла-қабилларида янги мактабгача таълим ташкилотлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

"Янги ҳаёт" маҳалласида тadbirkor Тоҳиржон Болтабоев томонидан барпо этилган, умумий лойиҳа қиймати 5 миллиард 850 миллион сўм бўлган "Ғулломжон ҳожи ота" давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти 300 нафар болани ўз бағрига олади.

Барча қўлайликларга эга мазкур муассасанинг ишга тушиши билан 40 та янги иш ўрни яратилди.

Тумандаги Шўрқақир маҳалласи Ипак йўли кўчасида тadbirkor Ҳайитхон Якубова томонидан қурилган "Дилдорахон қувноқ болажон" номи давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти ҳам 100 дан зиёд болажонни ўз бағрига олади.

Ғафур Ғуллом маҳалласи худудида барпо этилган икки қаватли, замонавий қиёфага эга "Аср Зиё Болажон" номи давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти эса тadbirkor Дилшодбек Мўминов томонидан бунёд этилди.

Жорий йил давомида туманда яна 3 та нодавлат болалар тарбия масканларининг ишга туширилиши кўзда тутилган.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ, 3. УМРЗОҚОВ (сурат),
ЎзА



ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ:

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ОНЛАЙН УЧРАШУВИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент қўйи палатаси Спикерининг ўринбосари Улуғбек Иноятов бошчилигида Тожикистон Республикасининг Мажлиси намоёндогон Мажлиси Оли билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳнинг Тожикистон парламентининг раис ўринбосари Мансури Дилрабо Сайдулло бошчилигидаги депутатлар билан онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Тadbirkor Фавкуллода ва мухтор элчиси Содик Имоми ҳам иштирок этди.

Онлайн учрашув давомида икки томонлама ҳамкорликда эришилган натижалар алоҳида таъкидланиб, парламентлараро мулоқотни ривожлантириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-гуманитар алоқаларни ўрнатиш ва мустақамлаш масалалари мулоқот иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Депутатлар кўплаб масалалар бўйича парламентлараро шерикчиликни ривожлантиришни давом эттиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Музокараларда парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштириш муҳимлиги қайд этилди. Боиси, айнан парламентлар ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун халқаро шартномаларни ратификация қилишда муҳим роль ўйнайди.

Мулоқотлар чоғида коронавирუსнинг дунёга тарқалиши қўлама ҳақида хавотирлар билдирилди. Томонлар ушбу глобал таҳдидга қарши курашиш борасида Ўзбекистон ва Тожикистонда амалга оширилаётган чора-тadbirkorлар тўғрисида маълумотлар бердилар. Коронавирусга қарши курашда, хусусан, пандемия салбий оқибатларининг олдини олишда парламент вакилларининг

иштироки муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Пандемиянинг икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга салбий таъсирининг олдини олиш учун икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Томонлар халқаро ташкилотларда ҳар икки давлатнинг ташаббусларини янада қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

Онлайн музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ҳар томонлама мустақамлашга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси
Соллиқни сақлаш вазирлиги

"COVID-19" касаллигига чалинган **47995** нафар беморнинг
қайд этилиши ва соғайганлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар жадвали

2020 йил 14 сентябрь 23:30 ҳолатига

Худудлар	Қайд этилиши	Соғайганлар	Ҳисса	В.э
Қорақалпоғистон Респ.	476	453	95%	6
Андижон вилояти	1342	1237	92%	2
Бухоро вилояти	1090	1042	96%	8
Жиззах вилояти	174	146	84%	7
Қашқадарё вилояти	1034	958	93%	13
Навоий вилояти	517	501	97%	6
Наманган вилояти	1039	950	91%	5
Самарқанд вилояти	1957	1790	91%	6
Сирдарё вилояти	763	728	95%	2
Сурхондарё вилояти	659	630	96%	7
Фарғона вилояти	363	352	97%	1
Хоразм вилояти	523	481	92%	2
Тошкент вилояти	8885	8428	95%	54
Тошкент шаҳри	29173	26830	92%	279
Жами:	47995	44526	93%	398

“Тарбия” фанининг ўқитилиши, сифати ва самарадорлиги масаласи умумхалқ иши даражасига кўтарилиши зарур.

«ТАРБИЯ» ҲАММАМИЗ УЧУН МУҲИМ ФАНГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Уларни самарали амалга ошириш эса ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу фикр асосида улкан тарихий мақсад мужассам эканини барчамиз англаб етишимиз, кейинги режаларимиз, фаолиятимизни шунга қараб белгилашимиз лозим бўлади

Президентимиз Ўзбекистонни буюк давлатлар қаторига кўтариш учун халқни сафарбар қилди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун фикрлаши, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, таълим-тарбия бериш вазифаси юзага чиқди. Мамлакатимизда қисқа давр ичида амалга оширилган ишлар, хусусан, мактабгача таълим, умумий ўрта-таълим, олий таълимдаги ислохотлар янги авлодни тарбиялаш асосларини мустаҳкамламоқда.

Тарихий даврда жамиятда ижтимоий бирдамлик ҳиссини мустаҳкамлаш, халқимиз турмушини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган эзгу гоёлар атрофида ёш авлодни бирлаштириш таълим тизими олдида турган энг долзарб масалалардан бири, деб ўйлайман. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди, тизим керак.

Шунинг учун “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фани жорий этилмоқда. Аввало, бу фан бошқа фанлардан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бутун мамлакат мактабларида мазкур фан бўйича самарали натижаларга эришиш осон эмас, албатта. Олдимизда ҳали жуда катта таълимий, услубий ишларни амалга ошириш вазифаси турибди.

Биринчидан, янги ренессансга мос авлод бўлиш учун ёшлар қандай хислатларга эга бўлиши кераклиги ҳақида чуқур ўйлашимиз, ундан кейин таълим-тарбияни шунга йўналтиришимиз лозим.

Иккинчидан, бугун замон шундай ўзгаришларни, тараққиётнинг юқори даражасига чиқиш учун илгор технологиялар, нанотехнологиялар билан шугулланадиган, дунёга татийдиган кашфиётлар қила оладиган авлодни вояга етказиш талаб этилади. Бунинг учун, ўйлашимча, биз нафақат ёшларга, шу билан бирга, ўзимизга бўлган муносабатни

ҳам ўзгартиришимиз, эски кўникмалар таъсиридан чиқиб, янги қадриятларга, янги қақирувларга мослашимиз зарур. Бунга жуда шарафли ва буюк масала, деб қарашимиз керак.

Учинчидан, янги авлодни вояга етказишда, уларга таълим-тарбия беришда энг масъулиятли вазифа ўқитувчи ва педагогларимиз зиммасида турибди, деб ўйлайман. Қандай таълим-тарбия усули танланади? “Тарбия” фани қайси фанлар билан узвийлашади, қайси мавзуларга кўпроқ эътибор қаратиш керак? Бугунги замонни ривожлантирадиган фанлар, қандай қадриятлар билан уйғун бўлиши лозим, деган муҳим саволларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўларди. Агар ўқитувчи ва педагогларнинг янги тарбия фанини ўқитишга малака ва кўникмаларини оширсак, уларни руҳан тайёрлаш, сак, фан дастури ўз самарасини бериши қийин кечади.

Таълим-тарбия ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда олиб бориладиган жараён. Бу ерда ўқитувчи-мураббийнинг, ота-онанинг алоҳида ўрни ва албатта, жамоатчилиқнинг ҳамкорликдаги бажариладиган вазифалари бор. Шу жиҳатдан қарасак, “Тарбия” фанининг ўқитилиши, самарадорлиги масаласи умумхалқ иши даражасига кўтарилиши зарур. Ўзбекистон келажаги бўлган азиз фарзандла-



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари.

Улғубек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ

камбағаллик масаласидаги парламент сўровига тўлдирилган жавобни маъқуллади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида қатор қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент сўровига Бош вазир ўринбосари жавоби билан боғлиқ масала кўриб чиқилди

Депутатлар «Ўсимлик дунёси ва объектларини муҳофаза қилишни такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокамадан ўтказди.

Маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 май ҳолатига ноқонуний равишда 4 758 та дахл хисиллан, бунининг оқибатида 11,1 милярд сўм зарар етказилган. Тошкент шаҳрида 3 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятларида 1 тадан жиноят иши кўзатилган.

Қонун лойиҳасига кўра, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат экологик назоратини амалга ошириш, шунингдек, жазонинг ёки мансабдор шахсларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини бартараф этишда жавобгарлик доирасини кенгайтириш ва кучайтириш белги-ланмоқда.

Хусусан, Жиноят кодекси 198-моддасида экинзор, ўрмон, дарактлар ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёки уларни нобуд қилиш бўйича жавобгарлик кучайтирилмоқда. Экинзор, ўрмон, дарактлар ёки бошқа ўсимликларни қасддан шикастлантириш, уларни пайхон, нобуд қилиш оқибатида кўп миқдорда зарар етказилган тақдирда жавобгарга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима

қораси қўлланилади. Шунингдек, уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилиши назарда тутилмоқда. Ҳатто бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш каби жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Етказилган моддий зарар уч қарра миқдорига қўлланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазони қўлламаслик депутатлар томонидан таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш муҳим масала экани, кейинги вақтларда ноқонуний хатти-ҳаракатлар кўпайгани, бу борада қонунчиликни жавобгарликни кучайтириш нуктаи назаридан такомиллаштириш зарурати юзага келганини таъкидлашди. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида жавобгарлик масалалари белгиланаётгани учун меъёрларни турли талқинларга шароит яратмайдиган даражада маромига етказиш керак.

Қонунда ким айнан қайси ноқонуний ҳаракати учун жавобгарликка тортилиши аниқ кўрсатилиши зарур. Акс ҳолда, амалиётда муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Йиғилишда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонуни лойиҳаси (янги таҳир) биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида виждон эр-

кинлигини таъминлашнинг ва диний ташкилотлар фаолиятининг асосий тамойиллари белгиланмоқда. Ҳар бир шахснинг диний таълим муассасаларида профессионал таълим олиши, шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан ўз фарзандларига диний амалиёт асослари ва одоб-ахлоқ қоидаларини (уй шароитида диний таълим бериш) ўргатиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, диний ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, таъминлаш кафолатлари, жумладан, юқори турувчи орган ёки судга мансабдор шахсларнинг диний ташкилотларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича улар судга муурожаат қилганда, давлат божини тўлашдан озод этилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар соҳасидаги муносабатлар янада такомиллаштиришга олиб келади. Диний ташкилотларни тузиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича меъёрлар соддалаштирилади. Бу эса

➤ Яшаш минимуми ҳақида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ва унинг концепцияси ҳукуматга киритилган бўлиб, уни тегишли тартибда кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш зарур.

диний ташкилотларнинг ҳуқуқ ва бурчлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар мустаҳкамланишига хизмат қилади. Фракция аъзолари қонун лойиҳаси орқали таклиф этилаётган янги тартиблар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини кафолатлашда, мамлакатимизда инсон эркинлигининг муҳим асосларидан бўлган виждон эркинлиги таъминланишида муҳим

аҳамиятга эгаллигини таъкидлашди. Қонун лойиҳаси умумий мазмунига кўра маъқулланди.

Фракция йиғилишида «Камбағаллик даражасини аниқлаш мезонларини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Бош вазир ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.Қўчқоровнинг жавоби ҳақидаги масала ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Сўровга берилган жавоблар айрим аниқлаштиришларни тақозо этгани учун ЎзХДП фракцияси таклифи билан парламент қўйи палатасининг аввалги йиғилишларидан бирида бу масала кейинроққа қолдирилган эди.

Парламент сўрови бўйича қўшимча маълумотлар олинганидан кейин, ушбу масала яна бир бор фракция йиғилишида кўриб чиқилди. Унда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини имкон қадар қисқа муддатда ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Яшаш минимуми ҳақида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ва унинг концепцияси ҳукуматга киритилган бўлиб, уни тегишли тартибда кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш зарур. Депутатларнинг фикр-мулоҳазаларидан кейин парламент сўровига жавоб маъқулланди.

Фракция йиғилишида мамлакатимизда бугунги кунда долзарб бўлиб турган пандемия шароитида умумтаълим мактабларида янги ўқув йилининг бошланиши билан боғлиқ масала ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Маҳаллий Кенгашлардаги Халқ демократик партиясининг барча даражадаги гуруҳлари мактабларнинг ўқув жараёни бошланишига қай даражада тайёрглигини бевосита ўрганди.

Республика бўйича тўпланган маълумотлар умумлаштирилган ҳолда, фракция мажлисида таҳлил этилди. Худудлардаги реал вазият, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг саломатлигини сақлаш энг асосий вазифа эканидан келиб чиққан ҳолда, депутатлар томонидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Шулар асосида ҳукуматга киритиш учун партиянинг умумий таклифлари шакллантирилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча қонун лойиҳалари бўйича фракция ўз позициясини белгиллаб олди.

Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

НАРХ-НАВОНИНГ ЎСИШИДАН

кам даромадли аҳоли қатлами кўпроқ азият чекмоқда

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳеч қачон камаймайди, балки кундан-кунга ошаверади. Аҳоли сони ўсиши асосида жон бошига истеъмол кўпайиб бораверади. Давлатда қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноати ривожини учун етарли шароит мавжуд бўлмаса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор муаммолар юзага келаверади.

Масалан, эҳтиёж ўсиб бора-ю, зарур чоралар кўрилмаса, хусусан, мамлакатимизда ишлаб чиқариш ривожлантирилмаса, импорт маҳсулотлар кўпаяди. Бу эса ўз навбатида нарх-наво ўсишига олиб келади. Табиийки, бундан биринчи навбатда кам даромадли аҳоли қатлами азият чекади. Бугунги синови даврда бу янада жиддий масала сифатида кун тартибига чиқди.

Шундан келиб чиқиб, сўнгги вақтларда юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини оширишга бўлган ёндашув ўзгариб бормоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда истеъмол товарларини узлуксиз етказиб бериш, ички бозорда нарх-наволар сунъий кўтарилишининг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Айниқса, бугунги пандемия шароитида соҳани янада ривожлантириш, ички бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш долзарб масалага айланди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг мазкур йўналишдаги яна бир муҳим қарори қабул қилинди. Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги ушбу қарори миллий озиқ-овқат саноати ривожини учун муҳим ислохотлар даврини бошлаб берди.

Қарор мамлакатимизда мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини оширишга хизмат қилади. Ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардўш бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилади. Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилашга олиб келади.

Эндиликда худудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделлари ишлаб чиқилади. Аслида юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, даромаднинг кўпайтириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжуд. Ана шу жиҳатларнинг ҳар бири тўлиқ инobatта олиниб, табиий ва иқтисодий реурслардан унумли фойдаланилса, бу одамларга ҳам, давлатга ҳам катта фойда келтиради.

Қарор билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси негизда Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил этилади. Унга соҳага алоқадор бир қатор муҳим ва масъулиятли вазифалар юкланди. Энг муҳими, шу орқали қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш, уларнинг рақобатбардўшлигини, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ислохотлар янада кенгайди.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш кўп омиллар билан боғлиқ. Бу кўп жиҳатидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштиришга, бу борада аҳоли учун кафолатланган имкониятлар яратилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга боғлиқ. Президентимизнинг қарори билан бу йўналишда бир қатор дастурлар ишлаб чиқилиши белгиланди.

Хусусан, тегишли вазирликларга республикада қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларига мавжуд ички талабни ҳисобга олган ҳолда 2021-2023 йилларга мўлжалланган саноатбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилди. 2021 йил 1 мартга қадар эса мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади. Ўйлаймики, бу партияимиз электоратининг манфаати ва ҳаёт тарзини янада энгиллатишга хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.



Ҳозир ҳам ҳудудларда аҳолини қийнаётган муаммолар, камчиликлар оз эмас. Жойлардаги халқ қабулхоналарининг ҳаммаси ҳам уларни ҳал этишга етарли эътибор қаратмаяпти.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

одамлар муаммоларини ечиш учун ташкил этилган

Бундан тўрт йил муқаддам, 28 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида", яъни, ҳар бир туман ва шаҳарда Президентнинг Халқ қабулхонасини очиш тўғрисида фармон қабул қилинган эди.

Ўтган давр шуни кўрсатмоқдаки, халқ қабулхоналари аҳолининг шу пайтгача эътиборга олинмай келинаётган энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимиятлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига ҳалақит бераётган тўсиқ ва ғовлар, қонунчиликка зид бўлган идоравий қарорлар йиллар давомида жамият ривожига салбий таъсир кўрсатиб келди. Меҳнатга лаёқатли инсонларни, айниқса, ёшларни ишга жойлаштиришда кўзбўямачилик қилиб келинди, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой-коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалаларига панжа орасидан қараб келинди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти юзасидан шикоятлар кўпайди. Давлат органларининг мурожаатлар билан боғлиқ ишни ташкил этишда уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, расмийлаштирилган, бюрократизм ва сансалолиқ ҳолатлари авж олди.

Ана шундай салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида барча даражадаги давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилни амалда қарор топтиришга киришилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ва виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий йўналиши аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган. Улар томонидан фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, барча давлат ташкилотларига ва ҳўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароит яратилади. Мурожаатларни тўлиқ, ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқишли таъминланади. Давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқишлиги устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга оширади.

Фармонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонанинг фаолият шартлоқларини таъминлаш мақсадида мурожаатлар билан ишлаш натижа-

лари оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритиб борилиши лозимлиги таъкидланган.

Айни пайтда мамлакатимизда 200 дан зиёд Халқ қабулхоналари самарали фаолият юритмоқда. Улар бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг халқчил демократик институтга айланди. Ҳар бир инсон мурожаати Халқ қабулхоналари томонидан ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган ҳолда ўрганилиб, керак бўлса, бошқа тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда.

Бироқ, ўтган тўрт йиллик тажриба ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, муаммолар ўз вақтида, жойида ҳал қилинмаслиги, мурожаатлар қаноатлантирилмаслиги, пайсалга солиб келиниши аҳолининг давлат ташкилот вакилларига ишончсизлигига олиб келмоқда. Шунинг учун Халқ қабулхоналари томонидан энг аввало фуқаро ёки тадбиркор муаммоси билан боғлиқ сабаблар ва шарт-шароитлар тўлиқ ўрганиб чиқишли ва керак бўлган пайтда бу муаммолар ҳукумат даражасида ҳал қилиши лозим.

Ҳозирги пайтда Президентнинг Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси томонидан пойтахт туманлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида ўрнатилган доимий онлайн мулоқот ҳудудлардаги мавжуд реал ҳолатни мунтазам мониторинг қилиб бориш, мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун масъулларни белгилаш ҳамда ижтимоий назорат қилиш имконини бермоқда.

Аҳоли уйдан чиқмаган ҳолда телефон орқали ҳам Халқ қабулхоналарига мурожаат қилиши мумкин. Фуқароларга янада қулайлик яратиш учун қабулхонага келган мурожаатчилар билан видеоконференцалоқа тизими воситасида мулоқот қилиш, Халқ қабулхоналари олдидан ўрнатилган маҳсус қутиларга мурожаатни қолдириш имкониятлари яратилган. Қабулхонага

➤ **Ўтган тўрт йиллик тажриба ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, муаммолар ўз вақтида, жойида ҳал қилинмаслиги, мурожаатлар қаноатлантирилмаслиги, пайсалга солиб келиниши аҳолининг давлат ташкилот вакилларига ишончсизлигига олиб келмоқда.**

келган ҳар бир мурожаатчи тиббиёт ходимлари томонидан зарур текширувлардан ўтказилиб, санитария талабларига риоя қилинмоқда.

Электр энергияси, газ, суоптирилган газ, сув, иссиқлик таъминоти, алоқа хизматлари юзасидан йўлланаётган мурожаатлар зудлик билан кўриб чиқилмоқда ва аниқланган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда.

Давлат раҳбари топшириғига биноан Ҳазорулдода вазиятлар вазирлиги ҳузурида ташкил этилган ёшлар мурожаатларини қабул қилиш маркази 1250 қисқа рақами орқали Президент виртуал қабулхонасига интеграция қилинган. Шу рақамга келиб тушган мурожаатлар юзасидан масъул ижрочилар



➤ **Халқ қабулхонасининг асосий вазифаси аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун зарур шароитлар яратиш билан белгиланади.**

Халқ қабулхонасининг асосий вазифаси аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун зарур шароитлар яратиш билан белгиланади. Лекин яна шундай масалалар борки, улар тегишлилиги бўйича судлар ва бошқа масъул идоралар орқали ҳал этилади. Халқ қабулхоналари бу масала бўйича ҳам мурожаат қилаётган фуқароларга йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда.

Лекин афсус билан айтиш керакки, барча Халқ қабулхоналари ҳам аҳоли ишончини оқлаяпти, унинг дардига малҳам бўлаёпти, деб бўлмайди. Масалан, Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси таркибидаги туман халқ қабулхоналарининг ҳаммасини ҳам қониқарли ишлапти, деб бўлмайди. Чунки фуқароларнинг мурожаатлари асосида тегишли ташкилотлар билан ишлаш ва муаммоларни бартараф этиш натижадорлиги йўқлиги сабабли улар томонидан яна қайта-қайта

жаатлар билан ишлаш жараёнида очиклик ва ошқораликни таъминлаш, фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича 2019-2021 йиллар учун мўлжалланган 77 пунктдан иборат маҳобатли дастур тасдиқланган эди. Мазкур йўналишда ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш мақсадида дастурга ҳамкорлар – Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси, "Тошкент" телерадиоканали ДУК, Тошкент шаҳар давлат хизматлари бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, "Sevimli TV" телеканали, "Uzreport TV" АЖ раҳбарлари имзо чекишган эди.

Бироқ бугунги кунгача дастурда белгиланган чора-тадбирлар қўнғилдагидек бажарилмади. Бу ҳамкорлик аввало одамларга фойда келтириши билан қимматли эди.

Ҳозир ҳам ҳудудларда аҳолини қийнаётган муаммолар, камчиликлар тўлиб-тошиб ётибди. Жойлардаги халқ қабулхоналари уларни ҳал этишга етарли эътибор қаратмаяпти. Бу ҳол давлат тизими раҳбарлирага эмас, халқ қабулхоналарига бўлган ишончга ҳам путур етказди. Шунинг учун ҳар битта мурожаат ёки аниқланган муаммони пайсалга солмай бартараф этишда ҳудудий давлат органлари, шунингдек, фаолият йўналишлари бўйича жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Энг аввало, Халқ қабулхоналари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда бу борада фундаментал илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш тақозо этилади. Гап шундаки, бу тизим ҳали янги ва уни илмий ва

амалий жиҳатдан тадқиқ этиш мазкур йўналишни ривожлантириш имконини беради. Халқ қабулхоналари томонидан доимий равишда аҳоли билан учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, уларнинг муаммолари амалда ҳал этилиб борилиши лозим. Бундан ташқари, рақамлаштирилган технологиялардан фойдаланган ҳолда сўровномалар ўтказиш амалиётини қўллаш ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий муҳитни очиклик, шаффофлик ва ҳолислик асосида ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш имконини беради.

Шу билан бирга, у ёки бу масала бўйича аҳолининг тақлиф ва тавсиялари асосида ишлашни ҳам йўлга қўйиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки бу тақлиф ва тавсиялар ҳамда мурожаатларда кўтарилган масалалар таҳлили Халқ қабулхоналари фаолиятини шунга қараб такомиллаштириш имконини беради.

Давлат хизмати ходими ўзига юклатилган вазифани чин дилдан, виждонан ва ҳолис бажармас экан, жамиятда муаммолар кўпайиб бораверади. Баъзи бир ўрта бўгин раҳбар кадрларнинг ҳали-ҳануз эскича бошқарув усулларидан воз кеча олмаётгани уларнинг ишига баҳо беришда Халқ қабулхоналари ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг ўрни ва ролини янада оширишни тақозо этади. Айни дамда Халқ қабулхонаси зиммасига секторлар штаби таркибига киритилган давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун уларни лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш бўйича юқори турувчи давлат органларига тақлифлар киритиш юкланган. Бундай ҳолатларни очик ва кенг муҳокама этиш эса Халқ қабулхоналарининг халқчиллигини янада оширади.

Шу билан бирга, давлат органларига Халқ қабулхоналари томонидан у ёки бу масала бўйича берилган тақдимномаларни кўриб чиқиш муддатлари, тақдимномага асосли жавоб йўллаш, барча даражадаги раҳбар кадрлар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масалалари бўйича ҳукумат қарори бўлишига қарамасдан, ҳанузгача уларни бажариш юзасидан ишлар пайсалга солиниб келинмоқда.

Халқ қабулхоналари фаолиятини илмий ва амалий асосда такомиллаштириш фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини оширади, ҳаётдан рози бўлиб яшашига имкон яратади. Давлатимиз сиёсатининг бош мақсади ҳам шу: одамларни рози қилиш, бахтли-саодатли яшашини таъминлаш.

Зиуатдин БОБОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Президентининг
Тошкент шаҳар халқ қабулхонаси
масъул ходими.



Ҳозирга келиб қоғозбозликсиз ҳар қандай маълумотни электрон йўллар орқали нашр қилиш, кўпайтириш ёки ҳар бир киши ахборот технологиялари орқали ўз билим салоҳиятини намоён қилиши мумкин.

ТАЪЛИМДА ЭЛЕКТРОН ПОРТФОЛИОНИНГ ЎРНИ

Ахборот технологиялари барча соҳага кириб боргани каби таълим соҳасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда мактаб ўқувчилари портфолиоларини электрон йўл орқали устозларига жўнатаётгани ҳам ҳозирги ёш авлод нақадар зукко, билимли, удабурон эканлигини билдиради. Электрон портфолио оддий портфолиодан бир қанча афзалликларга эга.

Биринчидан, ундаги маълумотларни янгиллаш ва тарқатиш жуда қулай.

Иккинчидан, электрон портфолиолар масофа билмайди. Дунёнинг исталган чеккасида туриб маълумотларни узатиш ёки улар билан танишиш мумкин.

Учинчидан, электрон портфолио яратиш ўқитувчи ва ўқувчиларни излашга, ижодкорликка чорлайди.



Хорижий давлатларда мактаб ўқувчилари ва талабалар ўз портфолиоларини электрон усулда яратишди. Бугун ахборот-коммуникациялари кенг ривожланган даврда Ўзбекистонда ҳам бундай янгиликларга қўл уриш вақти етиб келди, деб ўйлайман. Коронавирус пандемияси туфайли Ўзбекистонда қисқа вақт оралиғида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ичида биринчилардан бўлиб онлайн дарслар учта тилда – ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида сурдо таржимаси билан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида таълимга бўлган жиддий эътибор жуда кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки томонидан ҳам ижобий эътироф этилишига асос бўлди. Онлайн дарслар ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ахборот воситалари билан ишлаш маҳакасини янада оширди, улар ўз билимларини, ўз ижодкорлигини намоён этишда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилди.

Кўплаб ижодкор устоз ва шогирдларнинг очилмаган қирраларни кашф этилди ва уларга янги ижодий ишларни яратишларида мотивация берди.

Бажарилган бундай ишлар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг электрон портфолио кўринишининг илк намуналаридир. Таътил даврида ҳам турли хил қўриқ-танловларнинг давом этаётганлиги Халқ таълими тизимида жиддий ўзгаришларга асос бўлиб хизмат қилади. Давлатнинг келажаги ундаги таълимга бўлган муносабат билан ҳамбарчас боғланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз, педагоглар бугун юртимизда ўқитувчи, таълимга берилаётган бундай эътиборга жавобан фидойи бўлиб, Ўзбекистоннинг келажаги — баркамол шахсни тарбиялашда янада масъулият билан ёндашмоғимиз зарур. Бунинг учун ҳар бир педагог ислохотларни ўзидан бошламоғи, ўз устида тинмай ишламоғи лозим.

Дилфуза ХОНАЛИЕВА,
Андижон вилояти, Асака тумани
59-умумий ўрта таълим
мактабининг инглиз тили фани
ўқитувчиси.



Бахтли ҳаёт фақат асрий орзу бўлиб қолиши керак эмас, балки у реалликка айланиши лозим.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ДАРСЛИК

Инсонларда ижтимоий онг шаклланган пайдан бошлаб улар бахтли яшайдиган фаровон жамиятни орзу қилиб келишмоқда. Бундай жамиятни қуриш эса шу жамиятда яшайдиган одамларнинг замонавий билим ва маънавиятининг юксаклик даражасига боғлиқ бўлган. Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий бу хусусда гапириб: “Инсоният фақатгина илм ва юксак ахлоқийлик асосида яхлит фозил жамога бирлаша олиши мумкин”, деган.



Акмал САИДОВ, академик.

Одамлар минг йиллардан буён орзу қилиб келаётган бахтли ҳаёт, энг аввало, улар яшаётган жамиятда ижтимоий тартибнинг барқарорлигига боғлиқ. Чунки ижтимоий тартиб жамият тараққиётининг муҳим шарт ҳисобланади. Ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши эса, давлат ва жамиятнинг шерикликдаги назорат фаолиятига боғлиқ. Назорат фаолиятининг самардорлиги эса ушбу фаолиятда доир билимга боғлиқ бўлади.

Янгиланиб бораётган мамлакатимизда жамият тараққиётининг муҳим шарт бўлган янги ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган самарали назорат фаолиятини шакллантиришда асосий муаммолардан бири — жамият аъзоларида назорат фаолиятига доир билимларнинг етарли эмаслигидир. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун таълим тизимида назорат фаолиятига доир билимларни берадиган янги фани жорий этиш давр тақозосидир. Самарқанд длат университетиде 2020 йилда нашр этилган “Ижтимоий назорат” фани дарслиги ана шундай

янги фан учун муҳим ўқув қўлланма ҳисобланади.

Дарслик ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган назорат тизимини такомиллаштириш масалаларини ўрганишга бағишланган. Назорат тизими давлат ва жамият назоратидан иборат бўлган яхлитлик сифатида кўрсатилган ва ижтимоий назорат деган тушунча билан ифодаланган. Ижтимоий назорат иборасига давлат ва жамият назоратидан иборат бўлган назорат тизимини англатувчи маъно юклатилган. Жамоатчилик назорати деганда, фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган назорат тушунилади. Ижтимоий назорат деганда эса давлат ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан биргаликда, шерикликда амалга ошириладиган назорат тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 7 февралда тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси ўз мазмун-моҳиятига қўра, халқ ҳаётини бахтли қилишга қаратилган, аҳоли учун фаровон жамият қуриш стратегияси ҳисобланади. Бахтли ҳаёт фақат асрий орзу бўлиб қолиши керак эмас, балки у реалликка айланиши лозим.

Биз доимо бахтли ҳаётни орзу қилиб келишга ўрганиб қолдик, чунки яқин ўтмишимизда — шўролар замонида ҳам давлат халққа бахтли яшайдиган коммунистик жамиятни ваъда қилган эди, бугунги кунда ҳам давлат халққа фаровон жамиятни ваъда қилмоқда.

Демократиянинг ажралмас қисми назорат фаолияти ҳисобланади ва шунинг учун ҳам асосий эътибор назорат фаолиятини такомиллаштиришга қаратилиши лозим. Назорат адолатли ижтимоий тартибни, ижтимоий тартиб эса жамият тараққиётини ва жамият тараққиёти, ўз навбатида, фаровон жамиятнинг таъминлайди. Фаровон жамиятда эса, халқ давлатимиз раҳбари даъват этаётган

бахтли ҳаётга эришиши мумкин бўлади. Бунинг учун жамиятни илм-фан ютуқларига асосланб бошқаришни йўлга қўйиш, жамиятшунос олимлар замон талабларидан келиб чиқиб, демократлаштириш, либераллаштириш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида тақлифлар беришлари лозим. Республикаимиз олимлари замон талабларидан келиб чиқиб, давлат ва жамият назоратини такомиллаштириш борасида инновацион гояларни, яъни, янги илмий йўналишларни, фанларни ва адабиётларни ишлаб чиқишлари лозим.

Тақдим этилаётган “Ижтимоий назорат” дарслиги, ана шундай, замон талабидан келиб чиқиб яратилган, мамлакатимизда давлат ва жамият назоратини ташкил этиш бўйича муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган янги дастуриламал китоб ҳисобланади. Чунки ушбу фан берадиган билим нафақат талабаларни, балки фуқаролик жамияти институтларини ҳам назорат фаолиятига доир назарий ва амалий билимлар билан қуроллантириб, жамоатчилик назоратини амалга оширишда бевосита қўлланилиши мумкин. Президентимиз ташаббуси билан 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда ижтимоий назоратнинг таркибий қисми бўлган жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Замон талаби, демократия ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш ҳисобланади. Шунинг учун жамиятшунос олимлар демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган янги гояларни ишлаб чиқишлари лозим. Бунинг учун демократия ва очик фуқаролик жамияти талабидан келиб чиқиб фикрлаш керак. Демократия ҳам, фуқаролик жамияти ҳам назорат фаолияти билан бевосита боғлиқ. Назорат фаолияти кучайиши учун эса жамиятнинг назорат фаолиятига доир билими кучли бўлиши керак. Ҳозирча олий таълим тизимида бирор-бир фан жамиятга назоратга доир билимларни бермайди. Фуқаролик жамиятини кучли қилиш мақсади назорат фаолиятига доир билимларга эҳтиёжни келтириб чиқаради. СамДУ профессори Ф.Набиев томонидан яратилган “Ижтимоий назорат” дарслиги ана шундай эҳтиёжни қондиришга беминнат хизмат қилади.

Замонавий билим деганда, демократлаштиришни такомиллаштиришга ва фуқаролик жамиятини кучли қилишга хизмат қиладиган билим тушунилади. “Ижтимоий назорат” фани айнан ана шу демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилишга хизмат қиладиган билимларни беради. Демократия ҳам, фуқаролик жамияти ҳам назорат фаолияти билан бсглик, чунки

живолаб, адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлади. Чунки назорат фаолиятига доир билим билан қуролланган жамият, назорат борасида давлатга шерик бўлиб, назорат фаолиятини самарали қилади. Давлат ва жамият назоратидан иборат бўлган назорат тизими коррупцияни тўхтатишга қодир бўлади, чунки жамиятга пора беришнинг имкони йўқ. Коррупцияни тўхтатиш эса жамият

➤ **Жамоатчилик назорати деганда, фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган назорат тушунилади. Ижтимоий назорат деганда эса давлат ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан биргаликда, шерикликда амалга ошириладиган назорат тушунилади.**

демократия ҳокимият халқ томонидан назорат қилишни англатади ва фуқаролик жамиятининг асосий функцияси назорат фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун “Ижтимоий назорат” фани замон талаби бўлган демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилишга хизмат қиладиган замонавий билимни берадиган янги фан ҳисобланади, деб айтишга асос бор.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жамият тараққиётининг муҳим шарт бўлган ижтимоий тартибни ўрнатишда асосий тўсиқ коррупция иллати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу хусусда гапириб: “Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга — яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ” эканлигини эътироф этган. Бу тўртта омилни умумлаштириб, ислохотларнинг самараси битта омилга, яъни, адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилишига боғлиқ, деб айтиш мумкин. “Ижтимоий назорат” фани берадиган билим билан қуролланган назорат тизими жамият тараққиётига тўсиқ бўлган коррупцияни

тараққиётининг муҳим шарт бўлган ижтимоий тартибни таъминлаб, Ўзбекистон халқи бахтли бўлишига хизмат қилади. Бунда назорат фаолиятини самарали қиладиган назоратга доир билимлар мажмуини берадиган “Ижтимоий назорат” фани муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса тарзида шунга айтиш мумкин, назорат фаолиятида барча фуқаролар иштирок этишлари кераклиги ушбу фани олий таълим муассасаларининг барча йўналишлари талабаларига ўқитиш кераклигини талаб қилади. Инсон ким бўлишидан қатъи назар, мамлакат фуқароси сифатида ўзининг фуқаролик позициясига эга бўлиши ва назорат жараёнида фаол иштирок этиши учун унда назорат фаолиятига доир билим бўлиши керак. Шунинг учун “Ижтимоий назорат” фани олий таълимнинг барча йўналишларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Давлат, жамият ва унинг фаолияти бўйича назоратга доир билим билан қуролланган мамлакатда жамоатчилик назорати кучли бўлади. Кучли жамоатчилик назорати эса давлат назоратига шерик бўлиб, адолатли ижтимоий тартибни ўрнатади ва орзу-ниятимиздаги бахтли ҳаётни таъминлашга хизмат қилади.

Юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг олий мезони — инсон манфаати, одамларни рози қилиш, келажагимиз ворислари бўлмиш фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратилган. Бу жараёнда фидойи устозлар, ўқитувчилар, мураббийларнинг хизматлари бекиёс.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ЯНГИ ТАЛАБИ



Зухра ШОДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi ЎзДП фракцияси аъзоси.

Бу йилги янги ўқув йили пандемия даврида ўзига хос малака ҳамда тажрибани талаб этмоқда. Шунинг учун бу мавсумга Оқўргон туманида ҳам алоҳида тайёргарлик қўрилди. Янги ўқув йилига 1942 нафар ўқувчи қабул қилинди. Туманда 49 та умумий ўрта таълим мактаблари ва битта “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда 19125 нафар ўқувчи уч тилда таълим олади. 2020-2021 йиллардаги ўқув йилида 1582 нафар педагог таълим-тарбия беришга киришди. Уларнинг 1211 нафари олий ва 240 нафари ўрта махсус маълумотга эга.

Ўқув йили арафасида туманда иккита янги мактаб биноси қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар билан таъминланди ва фойдаланишга топширилди. Тўртта мактабда тўлақонли таъмирлаш ишлари олиб борилади. 23-умумий ўрта таълим мактаби биноси 1984 йили қурилган эди. Йиллар ўтиб, у анча яроқсиз холга келиб қолгани учун бу ерда 3 миллиард 721 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шу билан бирга, мактабнинг ҳамма жиҳозлари янгиланди, кўргазмали қуроллар келтирилди. Бошлангич синфлар ўқув қуроллари ва анжомлари билан таъминланди, ўқувчиларга етарли миқдорда китоб тарқатилди.

Мактаб 1150 ўринга мўлжалланган бўлиб, янги ўқув йилида тахсил оладиган 800 нафар ўқувчига 49 нафар олий маълумотли ва 3 нафар ўрта махсус маълумотли ўқитувчи дарс беради.

Пандемия муносаби билан дарсларнинг бошланиши ва ўқувчиларнинг мактабга келиш вақти олдиндан тузилган график асосида амалга оширилади. Масалан: 1-гуруҳ эрталаб соат 8.00 да, 2-гуруҳ 8.30 да, 3-гуруҳ 9.00 да мактабга келади. Мактабга киришда ҳар бир ўқувчи махсус зарарсизлантириш воситаси устидан юриб ўтади ва қўлларини зарарсизлантириш суякчилиги билан ювади.

2020-2021 ўқув йилида биринчи, тўртинчи ва бешинчи синфлар учун ижара дарслиқларида, 1-11-синфлар учун тарбия ва инглиз тили дарслиқларига буюртмалар берилди. 1-8-синфлар учун дарслиқлар ўқувчиларига етказилди.

Янги ўқув йили бошланишидан олдин ўқувчиларнинг ота-оналари билан сўровномалар ўтказилди. Уларнинг 77 фоизи дарсларни аънавий усулда ўқитиш, 23 фоизи фарзандларининг онлайн шаклда таълим олиши истagini билдирган. Шу муносабат билан тумандаги барча умумтаълим мактабларида белгиланган гигиеник нормалар асосида дарслар олиб борилиши режалаштирилган.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

МЕҲНАТ ФАНИНИНГ БУГУНГИ ҚАДРИ ҲАҚИДА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда уларни тўғри касб танлашга йўналтириш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки танланган касб ҳар бир инсон келажаги билан боғлиқ ҳамда бу унинг яшаш тарзига ҳам таъсир қилади. Инсон ўзи танлаган касб ёки ҳунаридан завқ олса, ўз касбининг устасига айланади, эл эътиборига тушади, борака топади.

Касб танлашда мактабнинг ўрни бекиёс. Базми ўқувчилар физика, кимё, биология фанларига, бошқалари адабиёт, тарих ёки ҳуқуқ фанига қизиқади. Масалан, биология фанига қизиқанлар келажақда врач-ветеринар ёки биолог бўлиши мумкин. Ҳуқуқ фанига қизиқадиган ўқувчилар ҳуқуқшунос, адвокат, прокурор, судья бўлиши мумкин. Физика фанига қизиқадиган ўқувчилар инженер ёки алоқачи бўлади. Математика фанига қизиқадиган ўқувчилар келажақда иқтисодчи, банкир, бухгалтер бўлиши, чет тилларига қизиқадиган ўқувчилар келажақда таржимон, элчи, гид бўлиб ишлаши мумкин. Инсон ўз касбини қанчалик тўғри танласа, ҳаётда ўз ўрнини шунчалик муносиб топган бўлади.

Илгари меҳнат дарсига иккинчи, ҳатто учинчи даражали фан сифатида қараларди. Қўғоз-қалам, ўчирғич, табиий материаллар асосида амалий машғулотлар ўтиларди. Эндиликда бу фан “Технология” деб номланиб, дарслар олий малакали ўқитувчилар томонидан ўтиладиган бўлди. 5-9-синфларда ўқувчилар ҳар йили 3-4 касблар бўйича ўқитилади, ишлаб чиқариш амалиётида иштирок этади. Уларга берилган назарий билимлар амалий дарслар билан мустаҳкамланади.

Айтиш лозимки, 8-9 синфлар учун меҳнат таълими бўйича илгари аниқ бир дарслик ёки ўқув-ўқувчи қўлланма йўқ эди. Шу боис маъзур фан ўқитувчилари дарсларни деярли ўз биланларича ўтишарди. “Технология” фани бўйича Сирдарё вилоят “Маҳорат мактаби”нинг раҳбари бўлган Замира Сатторова йиллар давомида дарс ишланмаларини жамлаб борди ҳамда 8-9-синфлар учун “Ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўллаш” деган дастлабки дарслик намунасини яратди. Бу иш 2013 йилда республика мактаблари бўйича оммалаштирилиб, меҳнат таълими дарси шу асосда ўтилиши жорий қилинди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган дарслиқлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб

чиқиш учун муаллифларни танлаб олиш танловида сирдарёлик уч нафар муаллим — Гулистон шахридаги 8, Янгирер шаҳридаги 6 ва Мирзабод туманидаги 15-мактаб ўқитувчилари Замира Сатторова, Назокат Абдусалимова ва Насиба Аҳмедовалар томонидан 9-синф ўқувчилари учун ёзилган “Технология” китоби маъқулланиб, дарслик сифатида чоп этилди ва 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб асосий қўлланма сифатида ўқитиладиган бўлди.

Дарсликда ўғил болалар учун алоҳида, қизлар учун алоҳида қисмлар мавжуд. Ўғил болалар учун мўлжалланган “Технология ва дизайн йўналиши” бўлимида ҳунармандчилик махсуслотларини тайёрлаш технологияси, ишлаб чиқариш ва рўзгоршунослик, электроника асослари, касб танлашга йўллаш ҳамда иходий лойиха танлаш технологияси боблари ажратилган бўлса, қизларга мўлжалланган бўлимда уларнинг ўзларига мос ва замонавий йўналишларга оид дарс ишланмалари ҳамда маълумотлар жой олган.

Таълим жараёнига педагогик технологияларни олиб кириш давр талаби ҳисобланади. Ахборот оқими кескин ортган даврда мустақил фикрлаш қўникмаларига эга бўлган, ҳар қандай янгиликни ўрганишга эркин киришга оладиган шахсни тарбиялаш таълим-тарбия жараёнининг асосий мақсади ҳисобланади ва бу борада таълимда янги технологияларнинг қўлланиши, интерфаол усуллардан кенг фойдаланиш лозим бўлади.

Технология фани предметни бошқа фанлардан умуман фарқ қилади. Масалан, физика ёки математика фанлари ўн йиллар давомида янги билимлар билан бойитилиб борилади. “Технология” фани бўйича эса ҳар йили янгиликлар бор. Ишлаб чиқариш соҳасига қўллаб янги технологиялар жорий этилади. Шунинг учун бу фан ўқувчиларни замонавий касбларга ўқитиш билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиши керак, деб уйлаймиз.

Халқ таълими вазирлиги томонидан яқин келажақда ўқувчиларни касбий таълимга йўналтириш мақсадида суперустахоналар, болалар технопарклари, “Кванториум” ва бошқа замонавий парклар очил кўзда тутилмоқда. Ўқувчилар компьютер ва вибротендлар билан жиҳозланган бу масканларда касбий қўникмаларга эга бўлиш билан бирга робо, космо, нано, био, IT йўналиш-



ларида таълим олиш имконига эга бўлади.

Таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу вазифани бугунги кунда олий маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар бажармоқда. Таълим сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, мебель ишлаб чиқариш бўйича дизайнер бўлмоқчимисан? Марҳамат, болга ва михни чеккага суриб, материал танла, энг замонавий бичимни танлаб, ҳисоб-китоб қил. Мебелни пластикдан тайёрламоқчимисан? Бунда барча деталларни 3D принтери тайёрлайди. Ёғочдан қилмоқчимисан? Марҳамат, рақамли дастурланган бошқарув станогига ҳисоб-китобини киритасан. Мебелнинг тайёр.

Ўқувчилар шу тарика сановат дизайни, нанотехнология, рақамли моделлаштириш ва ишлаб чиқариш технологиялари, робототехника, электротехника, электрор-

нергетика, биотехнология, озиқ-овқат махсуслотларига ишлов бериш, “ақлли уй”, “буомлар интернет” билан танишадилар. Бунда дарслар нафақат мактабда, балки коллеж ва техникумлар, болалар технопарки, ёшлар иходий инновацион марказларида ташкил этилади.

Ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашда касб танлаш изчиллигини такомиллаштириш билан бир қаторда меҳнат таълими ва тарбияси жараёнида иходкорлик фазилатларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат таълими дарсларидаги таълим-тарбиявий вазифалар умумий ўрта таълим мактабларидаги меҳнат таълимнинг умумий вазифаларидан келиб чиқиб, умумий ва бадий меҳнат ҳамда умумий технология асослари жараёнида амалга оширилади. Бу ёндашув ўқувчиларни касбга йўналтиришда, улар ўз ҳаёт йўллари топишда муҳим аҳамиятга эга.

Мўътабар АХМЕДОВА,
Матлуба ХУДОЁРОВА,
Тошкент шаҳар Сирғали тумани,
300-мактаб технология (меҳнат) ўқитувчилари.

Одамларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлмоқда

РЕКЛАМА ЎРНИДА

КЎПРИК ҚУРГАН ЭЛДА АЗИЗ

Бугунги кунда замонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилаётган кўплаб иншоотлар шаҳарларимиз кўрகига кўрк қўшмоқда. Янги турар жойлар, ижтимоий объектлар, кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприклар барпо қилинаётир. Буни қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин.



— Самарқанд давлат меъморчилик институтини 1990 йилда муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича тамомланганман, — дейди "Самарқанд кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонаси раҳбари Аҳад Ўроқов. — Ўша пайтда "АвтоАЗ" агрегат заводида чилангар бўлиб ишни бошлаганман. Ўтган 30 йил давомида турли соҳаларда ишлаб, катта тажриба тўпладим. Шу ерда салкам ўн йил фаолият юритиб, иқтисодчи лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтдим. Ўшанда кексаларимизнинг "Дарахт бир жойда кўкаради", деган гаплари бежиз эмаслигини тушуниб, англаб етганман. Чунки бу ерда мен катта тажриба тўпла-

дим. Олган билим-қўникларим туфайли кейинчалик қатор ташкилотларда масъул лавозимларда ишладим.

Аҳад аканинг ўтган йиллардаги фаолиятига назар ташласак, доимо одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган хайрли ишларга бошқош бўлганини кўрамиз. Тўғри, ҳар бир касбнинг ўзига яраша масъулияти, шарафи ва албатта, машаққати бўла-

ди. Лекин ҳалқимиз азал-азалдан йўл қурганларни, кўприк барпо қилганларни доимо эъзозлаб келган. Аҳад Қурбоннинг кейинги ўн йилдаги фаолияти бевосита кўприксозлик билан боғлиқ. У дастлаб "Самарқанд кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш корхонаси"да бошлиқ ўринбосари, бош муҳандис, кейинчалик эса директор бўлди. 2017 йилдан "Самарқанд кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонасида директор бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Мамлакатимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари изчиллик билан, тизимли равишда давом эттирилмоқда, — дейди у. — Самарқанд вилоятида ҳам бу борада кўп ишлар қилинмоқда. Корхонамиз томонидан қурилаётган ва



реконструкция қилинаётган кўприкларни фойдаланишга топширишда, энг аввало, уларнинг мустаҳкамлигига, замонавийлиги ва архитектурасига эътибор қаратамиз. Кўприкларнинг икки томонида пиёдалар йўлакчаси қурилиб, тунги ёриткичлар ўрнатилоқда. Бу ишлар ҳайдовчи ва йўловчиларга катта қулайлик яратиш баробарида кўприкнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш даражасини оширади.

Дарҳақиқат, шундай. Агар эътибор берган бўлсангиз, кейинги йилларда мамлакатимизда йўл қурилиши соҳасига кўприксозлик билан бирга, бунёдкорликнинг инновацион ечимлари, тамо-

мила илғор технологиялар ҳам кириб келяпти. Бунинг натижасида эса ўзига хос инфратузилма ҳам яратилапти.

Самарқанд жаҳон аҳлининг эътиборидаги тарихий ва муқаддас замин. Аҳад аканинг айтишича, кўприкларни барпо қилишда айни шу муҳим жиҳат ҳам эътиборга олиниб, ландшафт дизайни бўйича доимий изланишлар қилинапти. Кўприклар атрофига киши кайфиятини кўтарадиган анвойи гуллар, манзарали дарахтлар ўтқазилаптики, бу ҳам шаҳар чиройига чирой қўшапти.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.

ЭЪЛОН

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» 30 сентябры и 15 октября 2020 года в 15.00 часов в городе Нукусе проводит открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

1. Автотранспортные средства принадлежащего АО «Страховая компания Кафолат»:

— Автомашина марки «Нексия» 2004 года выпуска, гос номер 95/737САА. Начальная цена 15 343 977 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресения. Прием заявок прекращается 29 сентября и 14 октября 2020 года в 18.00 часов.

Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 КК филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК Турон банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: РК г. Нукус. ул. Амира Тимура дом №122а. Телефоны для справок: 222-55-84.

ЎЗДЖТСУДА ИЖОДИЙ ИМТИҲОНЛАР

3 сентябрь куни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиде абитуриентлар учун Касбий (ижодий) имтиҳонлар бошланди.



2020-2021 ўқув йили учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг "Мақтабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт" ва "Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)" бакалаврият таълим йўналишларида 15005 нафар абитуриент касбий (ижодий) имтиҳон топширади.

Бу йилги касбий (ижодий) имтиҳонлар жорий йилнинг 3 сентябридан 18 сентябргача қадар ҳудудлар кесимида ўтказилмоқда.

Кеча самарқандлик абитуриентлар ўз касбий маҳоратини синовдан ўтказишди. Касбий (ижодий) имтиҳонлар адолатли ва шаффоф ўтказилиши учун университет раҳбарияти ва масъуллар томонидан барча тайёргарлик ишлари қўрилган.

Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган аудиториялар ва спорт майдонларига камералар ўрнатилган ва имтиҳон жараёнлари тўлиқ ёзиб боришмоқда.

Шунингдек, имтиҳон жараёнларини кузатиш учун ОАВлари ходимлари, депутатлар ва Ёшлар иттифоқи фаоллари таклиф қилинган. Касбий (ижодий) имтиҳонлар карантин, санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилмоқда. Имтиҳонлар жараёнида хавфсизлигини таъминлаш учун Миллий гвардия, Ички ишлар органлари ходимлари жалб этилган.



Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган имтиҳонлар.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати Давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 459-мактабгача таълим ташкилотига тегишли реестр 6-272/08 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати Давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қўйиқ-5 мавзесида жойлашган 297-мактабгача таълим ташкилотига тегишли реестр 6-302/08 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Ulug'bek VAFOYEV

Guliston ANNAQILICHEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Mahmud TOIR

Muslihiddin MUHIDDINOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 951. 1869 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:45.
Topshirilgan vaqti — 22:45.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6